



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 204 (10.257)

2004 ЙИЛ 20 ОКТАБР

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИШ

● **КЕЧА** Бектемир туман ҳокимлигида маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний таълим ва маънавий, ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар учун туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўқув семинари уюштирилди.

● **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида **БУГУН** тилшуно олимлар иштирокида «Давлат тили ва таълим жараёни: ечим ва муаммолар» мавзуда илмий назарий анжуман бўлиб ўтди.

● **ЭРТАГА** 293-мактабда ўқувчилар ва

ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбир «Тилга эътибор — элга эътибор» деб номланади.

● **«КАМОЛОТ»** ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан шаҳаримиздаги халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари, олий ўқув юр்தларининг «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилотлари етакчилари 18 октябрдан 25 октябргача мuddатда аттестациядан ўтказилмоқда.


● **АКМАЛ** Икромов туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

билан фаол аёллар иштирокида уюштирилган тадбирда жамиятда аёлларнинг фаоллигини янада ошириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасида фикр алмашилди.

● **БУГУН** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида Собир Раҳимов туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **СЕРГЕЛИ** туманида жойлашган Кўйлик маиший хизмат коллежида уюштирилган «Ислом дини ва ёшлар маънавияти» мавзудаги тадбирда ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар иштирок этишди.



«Кумуш» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган кумуш қошиқ ва санчқилари айни кунларда ўзининг доимий харидорларига эга.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Рустам Тоиров иш устида.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

XXI сағоси

Барча малбалардан олган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 110 минг тонналик пахта хирмони барпо этиб, шартнома режасини ошириб бажарган Навоий вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

● Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий кутловлар келиши давом этмоқда.

● «Зиё Глобус» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Марказий Осиёда биринчи бўлиб глобус ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Хозирда Козогистон, Қирғизистон, Озарбойжон ва бошқа мамлакатлардаги мижозлар билан махсулот экспорти юзасидан шартномалар имзоланди.

● Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчилари ўртасида «Нима? Қачон? Қаерда?» очик чемпионатининг саралаш мусобақалари бошланди.

● Тошкент вилояти пахтакорлари 25 минг тоннадан ортиқ уруғлик пахта етиштириб, бу борадаги шартнома мажбуриятини бажарди.

● Иштихон туманидаги Митан шаҳарчасида йил давомида баскетбол, волейбол, кураш, каратэ каби кўплаб спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш имконияти мавжуд бўлган болалар спорт мажмуеси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

● Арнасой тумани маркази — Фолиблар кўрғонига бирданга 12 оила уй тўйини нишонлади.

Жаҳонда

● Кеча НАТО Бош қотиби Яаап де Хооп Схеффернинг Марказий Осиё давлатларига ташрифи бошланди.

● Беларусь мамлакати Марказий сайлов комиссияси республика Конституциясини ўзгартириш бўйича ўтказилган референдумнинг дастлабки натижаларини ошкор қилди.

● Оғир жанглр орқали 16 кун давом этган операциядан сўнг Исроил аскарлари Ғазо минтақасининг шимолий қисмидан тўлалигича чиқарилиди.

● Япониянинг Окинава ҳудудида «Токаге» номли кучли тўфон рўй берди. Тўфон марказида 6 киши ҳаётдан кўз юмди, атрофдаги оролларда транспорт ҳаракати тўлалигича тўхтади, автотўйлар ёпилди, ҳаво рейслари кўчирилди.

● Колумбия полицияси Франция ва Америка хавфсизлик хизматлари ёрдамида Лотин Америкасидаги энг йирик қалбаки евро ва долларлар туркумини қўлга киритди. Қаллоблардан жуда юқори сифатли тайёрланган 2 миллион евро ва 2 миллион АҚШ доллари олинди.

21 октябрга — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинган кун

«ЎЗБЕК ТИЛИ - ЎЗ ТИЛИМИЗ»

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилмоқда. Республика Байналмилал маданият маркази қошидаги турли миллатлар маданият масканларида, ўз она тилини мукамал билиш билан бир қаторда, давлат тилини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Корейс миллий маданий марказлари ассоциациясида бундай машғулотлар мунтазам равишда ўтказилаётир.

— Агар эътибор берган бўлсангиз, корейс миллатига мансуб фуқаролар, айниқса кекса авлод вакиллари ўзбек тилини яхши билади. Зеро, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир миллат вакили ўз тили билан бирга

ўзбек тилини ҳам ўрганишга алоҳида эътибор қаратиши фуқаролик бурчидир, — деди ассоциация раҳбари Николай Шин.

Ўзбек тили ўқитувчиси Алефтина Тен раҳбарлигида олиб борилаётган машғулотлар тингловчиларда айниқса катта қизиқиш уйғотаётир. Айни вақтда дарслар ўзбек миллий урф-одатлари, аънаналарини ҳисобга олган ҳолда ўтказилмоқда.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари томонидан Олий Мажлис ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга тайёргарлик ва ўтказишни ёритиш бўйича энг яхши материаллар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мақсади: мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси сайлов кампаниясига ҳолисона ёндашиш, сайловолди жараёнларини тезкор ёритишда ОАВ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, турли қатламдаги гуруҳларнинг сийёсий фаоллигини ошириш каби масалалар бўйича тажрибаларни оммалаштириш ва тушунтириш.

Иштирокчилар доираси: мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, журналистлар.

Материалларни топшириш шартлари: 2004 йил 1 январдан 2005 йил 15 январгача чиққан, чекланмаган ҳолда муаллифлик материаллари тақдим этилади. Матбуот нашрларида чоп этилган материалларнинг сони, чиққан вақти ва тахририят номи кўрсатилган бўлиши керак. Радио ва тележурналистлар тайёрлаган чиқишларнинг эфирга узатилган вақти ва қаерда эълон қилингани кўрсатилган ҳолда ўз аудио ва видео махсулотларини кассеталарда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтига тақдим этилади.

Ариза ва материалларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2005 йил 17 январь.

Танлов ҳаёти: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов Комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳалари ходимлари, таниқли журналистлар («Парламент журналистикаси клуби»да очик овоз бериш йўли билан танлаб олинади).

Танлов натижаларини эълон қилиш: 2005 йил 31 январь.

Асосий ютуқлар: 1-ўринга компьютер, 2-ўринга телевизор, 3-ўринга аудиомангитафон. Ҳомийлар томонидан рағбатлантирувчи ютуқлар ҳам назарда тутилган.

Дунёда сайлов тизимларининг тури кўп. Албатта ҳар бир мамлакат ўз шароити ва анъаналарига мосини танлайди. Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши жамиятни янада демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, у қимлигини ҳақиқат назар яратилаётган ҳар бир қонуннинг адолатли, халқчил, содда ва тушунарли, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада чуқурроқ ҳимоя қилиш каби ижобий ҳислатлар билан йўрилган бўлиши чин дилдан истайди. Мамлакатимизда олий давлат вакиллик органи ҳисоблангани ва Қонун чиқарувчи ҳокимият бўлиши Олий Мажлисининг келгусида икки палатали парламент тизимига ўтиши эса худди ана шу мақсадга йўналтирилгандир.

Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, парламентнинг бу янги тизимга ўтишининг моҳияти нимада? У қандай ваколатларга эга бўлади? Бу борада тақрор бўлса-да газетхонларга бироз тушунтириш берсақ фойдадан ҳоли бўлмас деб ўйладик. Икки палатали парламентнинг моҳияти шундаки, унинг иккала палатаси бир-бирдан мустақил фаолият олиб боради ҳолда, умумий ягона иш натижаларини ақс эттирувчи қонунларни қабул қилади. Аниқ мақсадларга йўналтирилган бундай қонунлар шубҳасиз демократик жараёнларни ривожлантиришга кўмаклашади.

Биз юқорида қайд этаётган фикрлар жойларда ўтаётган сайловларга бағишланган йиғилишлар ва халқроқ конференцияларда ҳамда мутахассислар томонидан қайта-қайта тилга олинмоқда. Улар бугунги кунимизнинг долзарб мавзусига айланган. Бўлажак сайловлар — муҳим сиёсий воқеа эканлиги, икки палатали парламентга сайловларнинг мамлакатимизда биринчи бор ўтаётганлигини ҳисобга олиб бу жараёнга ҳатто чет эликларнинг ҳам қизиқиши кундан кунга ортиб бормоқда. Сўзимизнинг исботи учун сайловларга бағишланган халқроқ конференциялар ва йиғилишларда қатнашган сиёсатшунослар, парламентаризм соҳасидаги тадқиқотлар билан шугулланувчи олимлар, дипломатлар, экспертларнинг сўзларидан баъзиларидан келтириб ўтиришни лозим топдик.

— Ўзбекистоннинг икки палатали парламентига сайловларга бағишланган конференцияда қатнашиш бу жараённи ташкил этишдаги ютуқларни баҳолаш имконини беради, — дейди ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари Пэр Нормарк. — Сўнгги йилларда Ўзбекистонда демократия йўлида талай қадамлар ташланди. Сайловларни демократлаштириш мақсадида Қонунчилик анча тақомиллаштирилди. Маҳалла хаби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тажрибасидан кўпроқ фойдаланишга эътибор қаратиш лозим. Бу тажриба бошқа давлатларда қизиқиш уйғотмоқда.

АҚШ Миллий матбуот маркази вице-президенти Питер Жеймс Хикман сўздан:

— Дунёнинг ривожланган мам-

лакатларида демократияни шакллантириш жараёни юз йиллаб давом этмоқда. Ўзбекистонда бу жараён бошланганига эндигина ўн йилдан ошди. Бутун мамлакатда бешта партия фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз сайловолди дастурини илгари сурмоқда. Бу эса аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ривожлантириш, сайлов кампания-

Яқинда бир маҳаллада бўлганимизда унинг фаоллари билан шу ҳақда гаплашиб қолдик. «Сизларда тайёргарлик ишлари қандай борапти?» — деган саволимизга улар: «Бу ҳақда бош қотиришимиз. Ҳозирча бошқа муҳим масалалар ҳам етарли бўлиб турибди», деган жавобни берди. Яна бир жойда шундай саволимизга бу ҳақда тушунтириш иш-

ҳимовнинг жавоби қисқача бўлсада, ҳар қалай қониқарли эди. Афсуски, бу саволимизга ҳамма биз истаганимизча жавоб бера олмади.

Парламент ваколатлари ҳақидаги саволимизга ҳам чалачулпа жавоб олдик. Лекин икки палатали сайловнинг аҳамияти, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидаги сўровимиз ҳамшаҳарларимизнинг анча-мунча баҳс ва мунозараларига сабаб бўлди.

— Очиги, сайлов ҳақида дастлаб гап борганда унга бутунлай ўзгача тус берилади-ю лекин сайлов ўтадиган кунлар бу қонунқоидаларни четлаб ўтиш ҳоллари ҳам бўлади. Масалан, биргина овоз бериш масаласини олайлик. Ҳар бир киши ўзи хоҳлаган номзодига овоз бериши керак. Лекин ҳамма ҳам шундай бўлавермайди. Бир олинган вакили унинг барча аъзолари учун бирйўла овоз бериш ҳоллари учради туради. Балки ўша олинган бошқа аъзоси бошқа номзод учун овоз беришни хоҳлар. Афсуски, бу фикр билан ҳеч ким қизиқмайди. Ўйлайманки, бу йилги сайловларда бундай номақбул кўринишларга мутлақ йўл берилмайди, — дейди филология фанлари номзоди Олид Эргашев.

— Айниқса, бу йилги сайловларда тарғибот-ташвиқот ишлари намунали йўлга қўйилишини истардик. Сайловчи кимга, қайси номзодга овоз бераётганини яхши билиб кейин овоз берсин, — деди унинг фикрини тўлдирган яна бир ҳамшаҳримиз Кўчқор Эргашев.

— Сайловчилар яна бир нарсани билиб олишларини истардик. Ҳозирги депутат олдиндагидек фақат талаб бажарувчи эмас, энди у ҳукумат доирасида турли қонунларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахс. Шундай экан, аввало ҳар бир сайловчи юқори палата — Сенатнинг, қуйи палата — Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ва мутлақ ваколатлари нималардан иборат эканлигини яхши билиб олишлари керак. Ана шундагина у номзодлар билан учрашувларда бўлар-бўлмас саволлар билан кўпчиликнинг бошини қотириб ўтирмайди, — деган гапни айтиб ўрта мактаб ўқитувчиси Ибодулла Ҳолиқов.

Хуллас, тадқиқотимиз сайлов билан боғлиқ бўлган шу каби саволларга бой бўлди. Очиги, уларга кимлардир жавоб берди, кимлардир бундан беҳабарлигини айтиб ўтиб кетди. Тадқиқотдан чиқарилган хулоса эса битта: сайловлар тобора яқинлашмоқда. Лекин сайловчилар орасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари эса ҳали етарли даражада эмас.


Яна бир гапни эслатиб ўтмоқчимиз. Хусусан, шаҳримиз фуқаролари сайлов масалалари бўйича ўзларини қизиқтирган барча савол ва сўровлар билан Мовароуннаҳр кўчаси, 14-уйда жойлашган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясига мурожаат этишлари мумкин. У ерда малакали мутахассислар уларнинг саволларига тўла жавоб беришади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Икки палатали парламентнинг афзалликлари

САЙЛОВЛАР ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Унга қандай тайёргарлик кўряпмиз?



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар кун тобора яқинлашиб келмоқда. Мамлакатимизда икки палатали парламент ва вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига сайлов кампанияси бошлаб юборилди. Бугунги кунда бу жараёнга юртимизнинг барча жойларида тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Жойларда сайловларга бағишланган йиғилишлар, халқроқ конференциялар, бир сўз билан айтганда икки палатали парламент ва унинг афзалликлари ҳақида тушунтириш ишлари кенг миқёсда олиб борилаётган.

сида қатнашиш ва сайлов натижаларининг манфаатдорлигини оширишга ёрдам беради.

— Мен илгари ҳам Ўзбекистонда бўлганман, — дейди БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Марказий Осиё бўйича минтақавий маслаҳатчиси Рейн Мюллерсон. — Ўзбекистон интеллектуал салоҳиятга эга бой мамлакат. Сиёсий ҳокимият сайланадиган бу юрда инсоннинг асосий ҳуқуқлари таъминланган. Сайловлар — ҳақиқий демократия мактаби. Бу борада Ўзбекистон ўз моделини яратмоқда.

Бўлажак сайловлар бугунги куннинг долзарб масаласига айланганлиги ана шундан ҳам кўриниб турибди. Хўш, шундай экан, энди бу муҳим воқеага ҳамма жойларда ҳам тайёргарлик кўнгилдагидек бораптими, деган саволнинг туғилиши табиий. Агар бу кампанияга тайёргарлик ишлари 20 сентябрдан бошланганини назарда тутадиган бўлсак ордан бир ойда яқин вақт ўтганлигини қайд этишимиз мумкин. Албатта, бу муддат оз эмас. Бу даврда анча-мунча ишлар қилинганни эътиборга олиш ўринли. Жойларда турли ташкилотлар, жамғармалар, тузилмалар томонидан халқроқ конференциялар, Республика Марказий сайлов комиссияси ва шаҳар сайлов комиссияларининг йиғилишлари ўтказилиб турилибди. Улар матбуот хабарларидан бизга маълум. Шаҳримиздаги баъзи йирик корхоналарда ҳам сайловларга бағишланган давра суҳбатлари ўтиб турганлиги ҳам рост. Лекин умуман олганда ҳали тайёргарлик ишлари оммавий тус олган дея олмаيمиз. Хусусан, сайлов тайёргарлиги юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари ҳали-ҳануз хонадонларга, маҳаллаларга, узоқ ҳудуд ва чекка қишлоқларга тўла кириб бораганича йўқ.

лари бўйича қўлларидан етарли манбаалар йўқлини айтишди. Манбаалар етарли. Лекин баҳона топса бўлади. Шундайларга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунларни ва шулардан келиб чиқиб Ўзбекистон Конституциясига киритилган тегишли ўзгартиришлар тўғрисидаги сайлов Қонунларини яна бир бор эслатиб қўймоқчи эдик.

Яқинда «Сиз икки палатали сайлов ҳақида нималарни биласиз?» — деган савол юзасидан кичик бир тадқиқот ўтказдик. Тадқиқот натижалари эса барча ҳамшаҳарларимиз ҳам бўлажак сайловлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасликларини кўрсатди. Амир Темур хиёбонидан бора туриб бир гуруҳ қизларга дуч келдик. Улар бизнинг саволимизга дарҳол жавоб беролмай бироз иккиланиб туришди. Ва ниҳоят улардан бири:

— Икки палатали парламент сайловлари ҳақида анчадан бери гап юради. Очиги, бу ҳақда тушунчага эга бўлсакда палаталарнинг биргаликдаги ва мутлақ ваколатлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз, — деган гапни айтди.

Тўғримишдан келаётган яна бир басавлат кичини бир зум тўхташиб унга: «Икки палатали парламент афзаллиги нимада?» деган савол билан мурожаат қилдик. У:

— Икки палатали парламент афзаллиги шундаки, икки палатанинг мавжудлиги мувозанатни сақлаб туради, қабул қилинадиган қонунларнинг янада пишиқроқ ва мукамалроқ бўлишини таъминлайди», — деган жавобни берди.

Ўзбекистон Миллий университетининг ўқитувчиси Дониёр Ра-

Сийсий партиялар

ҳайтидан

**ҲАРБИЙЛАР
БИЛАН
УЧРАШУВ**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан кеча Мирзо Улугбек туманида жойлашган ҳарбий қисмда қисм шахсий таркиби иштирокида бўлажак сайловларга бағишланган учрашув ташкил этилди.

Тадбирда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар ва Мирзо Улугбек туман Кенгаши ходимлари ҳарбийларга Ўзбекистонда илк марта ўтказилган икки палатали парламент сайлови ҳақида ҳамда партиянинг мақсад ва вазифалари тўғрисида батафсил сўзлаб бердилар ва берилган саволларга жавоб қайтардилар.

**ЛИЦЕЙДА —
ТИЛ
БАЙРАМИ**

Кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташкилотчилигида Тошкент темир йўл муҳандислари институтини қўшмада Миробод академик лицейида «Тил байрами» тадбири бўлиб ўтди. Мазкур тадбир «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуinning 15 йиллигига бағишлаб ўтказилди.

Тадбирда лицейнинг ўзбек ва рус тиллари ўқувчилари ўзлари тайёрлаган кўшик ва рақслар, саҳна чиқишлари, спектакллардан парчалар билан иштирок этишди.

Тадбир давомида лицей ўқувчиларига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг фаолият йўналишлари ва режалари ҳамда сайловдаги жараёни тўғрисида қисқа маълумот берилди.

Ф.ФОЗИЛОВ

**МЕҲНАТ
ЯРМАРКАСИ**

Юнусобод туманида ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида Меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда туманда истиқомат қилувчи ёшлар иштирок этишди.

1 октябр ҳолатига кўра, туман миқёсида 3 минг 112 нафар фуқаро ишсиз, дея эътироф этилган. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида туман меҳнат биржаси томонидан ҳар ойда меҳнат ярмаркалари ташкил этилади. Утган давр мобайнида меҳнат ярмаркаларида иштирок этганларнинг 60 фоизга яқини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашди. 11 фоизи эса қайта касбга тайёрлаш курсларига юборилган.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, ёш йигит-қизларни маънавий, психологик, жисмоний ва тиббий жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёрлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан саналади.

Анжуманлар

**ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР
САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА**

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Она ва бола саломатлиги муҳофазаси ва никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги: муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзусида бўлиб ўтган амалий анжуман шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил қилинди. Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорларининг ижроси муҳофазасига бағишланди. Унда туман, маҳалла хотин-қизлар кўмиталари раислари, халқ таълими бўлими вакиллари, ФХДЁ мудирилари, тиббиёт ходимлари ҳамда диний таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар иштирок этдилар.

— Бугунги кунда пойтахтимиздаги оилаларда тиббий саводхонлик даражаси хусусида тўхталадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, биринчи туғруқдан сўнг 2-3 ой ораллигида ҳомиладор бўлиб баъзан бир йил мобайнида 2 та туғруқ ҳолатлари ҳам қайд этилмоқда, — деди жумладан анжуманда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова. — Туғруқ жараёнининг меъёрида кетиши, она ва болаларнинг соғлиғига путур етмаслиги учун туғруқларнинг ораси уч йилдан кам бўлмаслиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, 2004 йил тўққиз ойи мобайнида 218 та туғруқ бир йиллик муддатда бўлган.

Исталмаган ҳомилага йўл қўймаслик воситаларининг барча турлари бепул берилётган бир вақтда Тошкент шаҳри бўйича жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 8288 та аборт қилинган. Она ва бола саломатлигига салбий таъсир

кўрсатаётган муаммолардан яна бири — вояга етмаган қизларнинг ҳомиладор бўлиши ва нуқсонли фарзанд туғилиши кузатилмоқда. Ушбу ҳолат оилада, таълим муассасасида, маҳаллада бу борада олиб борилаётган таърибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришни талаб этади. Шунингдек, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун барча туманлардаги ўсмир қизларни, туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш, оилаларга чуқурроқ кириб бориш, уларни ўрганиш, оилада тиббий саводхонликни ошириш зарур.

Юқоридаги салбий ҳолатларни инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддаси (Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш)ни бажариш ҳамда соғлом оилани шакллантириш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги, «Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг ижроси юзасидан ўтган тўққиз ой мобайнида 14699 нафар келин-куёв тиббий кўриқдан ўтказилди. Бу янги куриллаётган оилаларнинг пойдевори мустаҳкам бўлишига ва унда баркамол соғлом авлод улғайишига хизмат қилади. Фарзандларнинг жисмоний ва маънавий соғлом бўлишида ота-онанинг саломатлиги мустаҳкам бўлиши у вояга етаётган оилада соғлом турмуш тарзига риоя этилиши, оила аъзоларининг тиббий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бугунги кунда баъзи оилаларнинг ажралиб кетишига, касалланд фарзандлар туғилишига, жамиятда ноқобил (ғиёванд, ОИТС касаллигига чалинган) инсонларнинг кўпайишига сабаб бўлаётган ҳолатлар оила қуришда юқоридаги омилларга жиддий эътибор берилмаётганининг оқибатидир.

Анжуманда сўзга чиққанлар ушбу масалалар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ҳамда келгусида ушбу муаммоларни бартаф қилиш борасида зарур чора-тадбирлар кўриш кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

Диолром ИКРОМОВА

Албатта, шахримиз ширкатларидаги қишга тайёрлик ишлари ҳамшаҳарларимиз учун ниҳоятда аҳамиятлидир. Совуқда хонадоннинг иссиқ бўлса, яшаш жойингда муаммо бўлмас эканлиги ширкатимизга буюрди. Аммо кузги тайёрлик ишларига бефарқ қаралса, ўз вақтида коммунал тўловлар тўланмаса, бутун қиш бўйи муаммо сабаб ўзинг яшаб турган ширкатга шикоят қилаверишдан қайла чиқмайди, албатта. Айни кунларда ширкатларимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ҳамшаҳарларимизнинг ўз ширкатлари ишларидан кўнгиллари тўқми? Қишга тайёрлик ишлари ширкатларимизда қай йўсинда бажарилмоқда? Бу қаби қатор саволларга жавоб топиш мақсадида Яққасарой туманидаги «Биродарлик уйим» ширкатиди бўлди. Туманнинг Нукус кўчасида жойлашган 57-уйдаги ширкат идорасига борганимизда ширкат бошлиғи Шавкат Кайбуллаев бизни қарши олди. Муздаимизни англагач ўзи гап бошлади.

— «Биродарлик уйим» ширкати ўз номи билан биродарлик уйидир. Бу ширкат шу уйларда яшовчилар ташаббуси билан 2001 йилда ташкил этилди. Биласизми, ширкатимиз 2 та тўққиз қаватли уйдан ташкил топган бўлиб, 208 та хонадон рўйхатга олинган. Сизларни қизик-

тирган тайёрлик ишларига келадиган бўлсак, бу ишлар эрта баҳордан бошлаб юборилган эди. Шу йилнинг май ойида Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фонданинг бирлашмаси ҳисобидан ширкатимизга қарашли 57-уй туб таъмирдан чиқарилди. Хонадонларга 180 та иссиқ ва

— дейди Шавкат ака. Ўрта ҳисобда бир ойда йиғилган пуллар 440 минг сўмни ташкил этади. Ҳозирда бу уйимиз ҳам капитал таъмирдан чиқарилди. Ширкатимизга қарашли уйлар кўча бўйида жойлашганлиги сабаб йўловчи машиналар тўхташ жойига айланиб қолганди. Эндиликда аҳоли билан биргаликда уйлар атрофидаги тўсиқлар ўрнатиб, ўзимизга тегишли ҳудудни тоза ва озода қилиб қўйдик.

Ҳақиқатан, «Биродарлик уйим» ширкати ҳудудини кўздан кечирарканми уй атрофларидаги саранжомликнинг гувоҳи бўлдиқ. Уйларнинг йўлақлари тоза, озода. Ширкат

бошлиғи айтганидек, «Биродарлик уйим» ҳақиқий дўстлик, биродарлик уйига айланган.

Орзуғул РУСТАМОВА

СУРАТЛАРДА: ширкат раиси Шавкат Кайбуллаев чилангар-сантехник Константин Залицаев ҳамда фаррош Ҳилола Апуровага айни дамда қилинадиган ишлар режасини тушунтирмоқда; ширкатга қарашли 57-уй туб таъмирдан сўнг.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Ширкатларда

**ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЭРТА
БАҲОРДАН БОШЛАГАНМИЗ**

Куз келиши билан табиатда ҳам бир қанча ўзгаришлар пайдо бўлади. Дарахт баргларининг сарғайиб туқилиши, об-ҳавонинг совиб кетиши, ҳосил йигим-терими буларнинг барчаси олтин куз келганидан дарак беради. Бу фаслни кўнчилик сарангом фасли ҳам деб аташади. Қишга тайёрлик ишлари ҳам айнан шу фаслда, авж палласига чиқади.



совуқ сув ўлчагичлар келтириб ўрнатилди. Уйлардаги барча иссиқлик ўтказгичлар қайта таъмирланиб, қувурлар тозаланди.

Ширкат бошлиғининг сўзларига кўра, бу ишларда «Биродарлик уйим» ходимларининг ҳам меҳнатлари аҳамиятлидир. Йўлақларни қайта таъмирлашда яшовчилар ҳисобидан ажратилган пуллар сарф қилинган.

— Ширкатдаги 59-уйни капитал таъмирлашда аҳоли маблағини сарфладик,

Шарқ дурдоналари



● Бошқалар ёнида бировга айбларини айтиб насиҳат қилиш — уни одамлар олдида уялтириш демакдир. Шунинг учун холи жойда насиҳат қилиш керак.

Хикоят: Доншманлардан бири ўғлини тикиштириб овқат ёйишни таққлади. Угли айтди:

— Эй отажон, очлик одамни ўлдирди, тўқ бўлиб ўлиш очлик ҳолда яшайдан яхшироқ эмасми? Отаси айтди:

— Эй ўғлим, ўртача овқат ёйишга одат қил. Тикиштириб овқат ёйиш беш кўни оғизга тиккан очқўздан фарқ қилмайди. Очқўз кишини ҳар қадамда ҳалокат кутади. Е, ич, аммо исроф қилма. Шу насиҳатга амал қилсанг умринг узун бўлади.

Байт:
Бу пандимни эшит,
фарзанди содик,
Билиб иш қил,
насиҳатга мувофик.
Сенга ким ишониб
топшириб кўйса омонат,
Эрсанг доно унга
қилма хиёнат.

● Кибр ва гурурдан узоқ бўл. Кибр кишини эл орасида хор, беқадр безътибор қилади.

● Донолар айтадилар:
— Куйидаги тўрт нарса тўрт ноҳушликни келтириб чиқаради. Худбинлик расволикни, серғазаблик пушаймонликни, такаббурлик душманликни, ношукурлик хорликни.

● Такаббурга салом берма. Саломга жавоб қайтариш унга оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга малоллик келтиради.

● Инсон ўзини бошқалардан ортиқ деб билмаслиги, ўзини ақлли, бошқаларни ақлсиз деб тасаввур қилмаслиги, ҳар қандай яхши ишни ўзига лойиқ ва ўзгаларга нолойиқ деб ҳисобламаслиги зарур. Эҳтиёт бўлганчи булар худбинлик аломатларидир.

Хикмат: ҳар кимсага менсимаслик назари билан қарама. Эҳтимол уларнинг кўриниши янгли бўлсада, вуҳуди одамийлик хислати билан лиммо-лимдир. Зеро улуглар: «Ҳар кечани кадр бил, ҳар ким кўрсанг Ҳизр бил», — деб бежиз айтмаганлар.

● Олимлардан Низомиддин ибн Ҳусайн айтди:

— Боболаримиз: «Сўзлаганинг қумуш бўлса, тек турганинг олтиндир», деганлар. Бунга қараганда ҳар ерда сўзламасдан жим ўтиришга тўғри келади. Лекин боболаримиз, ўринсиз, маъносиз сўзланганидан кўра, тек турганинг яхшироқ, демоқчидирлар.

Ҳар ишнинг ўзича одоби бўлгани каби сўзлашнинг ҳам ўлчови ва одоби бордир. Сўзга ёлгонни қўшиш, бировнинг иззат-нафсига тегадиган сўзларни сўзлаш ва шунга ўхшаш арамас сўзлар ўзгача зарар етказмасдан қолмайди. Шунинг учун донишмандлар: «Кўп уйла, оз сўзла, сўзинг яхши бўлса сўзла, бўлмаса тек тур, маъносиз олди-кочди сўзлар сўзлашдан тилгини тий», деганлар.

● Арасту Ҳаким айтди:
— Маишатга етарли молу давлатга эга бўлган киши ундан ортиқчасини талаб қилмасин, чунки унинг поёни йўқдир. Ортиқча талаб қилган киши жуда кўп фалокатларга дуч келади.

Алишер Навоий айтди:
Неча ким тўнинг риоят
бирла қийсанг, эскирур,
Чунки кийдирдинг бировга,
эскимас тўн ул эрур.

2004 — Меҳр ва мурувват йили

САҲОВАТДАН
ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

Дунёда шундай улуг ва савобли юмушлар борки, унга ҳеч нарсани тенглаштириб бўлмайди, унинг ўрнини эса ҳеч нарсга тўлдиролмайди, кўнгилларни осмон қадар кўтариб бўлмайди. Бу — меҳр-мурувват, беминнат, бетаъма яхшилик қилиш, ҳаётда қийналган, ёрдамга муҳтож инсонга озгина бўлсада кўмак беришдир. Хусусан, менталитетимизгагина хос бўлган бағрикенглик, қон-қонимизга сингиб кетган савобли, саховатли юмушлар бошида туриш мустақиллик йилларида янада буй кўрсатди. Айниқса, жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши бос қатор хайрли мақсадлар амалга ошириб келинмоқда.

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Янги Камолон» маҳалласида кўнгиллар кўтарилиб, меҳр-саховат нурлари ёрилган катта хайрия тадбири бўлиб ўтди. Тумандаги «Камолон», «Эшон-Гузар», «Каттабоб», «Янгиобод» ва «Янги Камолон» маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзандларининг суннат тўйлари катта тантана билан ўтказилди. Тадбирга Ўзбекистон нашриёти Матбаа ижодий уйи ва «Янги Камолон» маҳалласи бош-қош бўлди. Чиройли байрам дастурхони тузалиб, тўй болаларга саруполар кийдирилди.

— Меҳр ва мурувват йилида имкон қадар ёрдамга муҳтож бўлган оилаларни қўллаб келмоқдамиз, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон нашриёти матбаа ижодий уйи директорининг биринчи ўринбосари Зоир Исажонов. — Туманимиздаги 9 та маҳаллани бевосита оталиққа олганмиз. Байрамларда қатор хайрия тадбирларини ўтказиб, келажак эгалари бўлган фарзандларимизда инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат, тинчликни қадрлаш каби юксак туйғуларни уйғотишга ҳаракат қилмоқдамиз. Токи бутун дунёда бўлаётган алғов-далғовли, террорчилик ҳаракатлари, яқинда Беслан шахрида содир этилган муҳиш воқеалар уларни ёвузликдан нари булишга, қўлни қўлга бериб тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиб,

уни кўз қорачиғидек сақлашга қаҳирсин.

Шунингдек, маҳаллаларда болаларнинг спорт билан шуғулланишларига шарт-шароит яратиш йўлида спорт майдонларини таъмирлаш ва янгиларини қуришга ҳам ёрдам бериб келмоқдамиз. — Маҳалламизда бундай учрашувлар,

лигимизни билдиради.

Дунёда болалар қувончидан, шоду хуррамлигидан ортиқ бахт йўқ. Катта байрамнинг эркатойлари бўлган болаларнинг яшнаб турган чехралари, бегубор кулгуларини кўришнинг ўзи мароқли. Фарзандини суйиб-эрқалаётган онанинг дил сўзларига қулоқ тутдик.

— «Каттабоб» маҳалласидан Саида Юсупова бўламан, жуда ҳаяжонланаман, уч нафар ўғилларимнинг суннат тўйларини ўтказиб беришмоқда. Маҳалла оқсоқолимиз Аҳрор ака Дадамўхамедов, хотин-қизлар комиссияси раиси Навбахор Рихсиевалар барока топшишсин. Улар доимо қийналган оилаларга кўмак бериб келишмоқда.

Айтиб ўтиш лозимки ушбу тадбирда кекса онахону отахонлар, ногиронларга ҳам совға-саломлар берилиди, илқ қалом билан кўнгиллари кўтарилиди.

Бутун тадбир давомида эл севган хонандаю Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ижросида янграган дилбар кўшиқ, қувноқ лапар, ичакузди хангомалар ушбу учрашувнинг узоқ вақт ёдга сақланиб қолишига хизмат қилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Янги Камолон» маҳалласида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



давра суҳбатлари, хайрия тадбирлари тез-тез ўтказилиб турилади, — дейди «Янги Камолон» маҳалласи оқсоқоли Қаҳҳор ака Содиқов. — Айниқса, 2 ёшгача фарзанд тарбияси билан машғул, 18 ёшга тўлмаган 5-6 нафар фарзандлари бўлган кўп болали, кам таъминланган оилаларга, кекса, ногирон, қаровчиси йўқ инсонларга мунтазам моддий ёрдам беришга ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Бизга ҳомийлик қилаётган ташкилотларга катта миннатдорчи-

Тадбирлар

ИНСОННИ ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ

«Камолот» ЁИХ Сергели тумани бўлими Кенгаши ташаббуси билан Кўйлик маърифат хизмат касб-хунар коллежида «Ислом ва ёшлар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Инсонларни адолат, эзгулик, поклик, меҳр-оқибатга чорловчи ислом динининг асл моҳиятини ёшларимизга тушунтириш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда Тошкент Ислом университетининг юқори курс талабалари иштирокчиларга диний экстремизм, фундаментализм, фанатизм ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида атрофлича тушунча беришди.

— Мана, муборак рамазон ойи ҳам юртимизга қириб келди. Ушбу кутул ойда инсонлар бир-бирларига фақат яхшиликлар тилаши, эзгу амаллар бажариши ёмон сўзлардан ҳам парҳез қилишлари зарурлиги, мусулмон биро-

дарлар бир-бирларининг кўнглига озор етадиган сўзларни айтишдан тийилмоқликлари керак, — деди жумладан тумандаги «Куддуси-шариф» масжиди имом хатиби Абдуқайом Маҳаммадиев. — Бир сўз билан айтганда тинчлик ва саломатлик асоси ҳисобланган муқаддас динимиз бюрурган барча савобли амалларни бажармоқлик ва уларга кундалик турмушимизда амал қилмоқлик жозимдир. У барчамизни шонли ва савобли амаллар сари етаклайди.

— Шунингдек, уюштирилган ушбу давра суҳбатида динни ўзига ниқоб қилиб, ўз ёвуз ниятларини амалга оширишни мақсад қилган кимсалар,

Яқин ҳамроҳингиз

ТАФАККУР ВА ТАСАВВУР

Сиз турли мавзуларга оид сканвордлар ва бошқотирмалар ечишга қизиқасиз, шундайми? Уларни ечиш кишига завқу шавқ бағишлаш баробарида билимларини оширади, тафаккурини чарқлайди ва билим доирасини кенгайтиради.

Масалан, сизни Беруний тугилган шаҳарнинг номи ёҳуд Тожмаҳал кимга атаб қурилгани қизиқтирар? Ё бўлмаса энг майда зарра нима эканини ва энг кадимий манба қаерда бўлишини билишни истарсиз? Иқтидорли таржимон Ойдин Саъдуллаеванинг «Ижод дунёси» нашриёт уйи томонидан чоп этилган «Тафаккур ва тасаввур» бошқотирмалар китобчасини ўқусангиз ушбу саволларга жавоб топасиз.

Ушбу тўплам сизни турфа оламга етаклайди. Тил гузаллиги, мозий сирү синоатлари ва оламнинг кенглигини англай бошласиз. Сиз бошқотирмаларни ечаётиб худди шу беҳудуд дунёни айланиб чиқаётгандек бўласиз. Қизиқарли тарзда тузилган бошқотирмалардан иборат бўлган бу китобга борлик ҳақидаги билимларни эгаллашингизда сизга аjoyиб кўмакчи бўлади, деган умиддамиз.

Кўмир АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори, профессор.

Лазиз ХОЖИЕВ,
талаба

ЎЗБЕК ХОНАДОННИНГ ЯПОН КЕЛИНЧАГИ «ЯПОН ҚИЗИГА УЙЛАНАМАН!»

Азаматнинг бу гапини эшитган Сайёра опа хангу манг бўлиб қолди. Ўглининг хазиллашмаётгани, ахди қатъийлигини билгач, кўзига ёш олди:

— Тўйдан гап очсам, нукул «Ўқишимни тугатай», дединг. Тошкентда ўқидинг, Туркияда ўқидинг, энди Японияда ўқияпсан. Ахир, ёшинг бир жойга бориб қолди. Мен қаторилар аллақачон неварга кўрган. Менинг ҳам орауларим бор. Келин қиламан деб, сеп йиққанамга неча йил бўлди. Энди келиб-келиб, дунёнинг нариги бурчагидан келин қиламанми?! Японнинг урф-одатини билмасам, тилини тушунмасам...

Азамат индамай нариги хонага кириб кетди. Аёл эри Хамроқул акага дардини тўкиб солди. «Жанжал»га ота аралашди. Ўглини қақирди.

— Нацукога уйланмасам, дунёдан тоқ ўтаман, дадажон! — деди Азамат.

...Шу оқшом Япония пойтахти — Токио шаҳрида, журналист Рехей Кодама хонадониди ҳам шу тахлитдаги гап-сўзлар бўлаётган эди. Нацукони ҳам ота-онаси ахдидан қайтариш учун анча қийин-қистовга олди. Азамат билан Токиодаги Халқаро университетнинг маъмурий бошқарув факультети магистратурасида ўқиш жараёнида танишиб, ўзбек йигитига кўнгил берган Нацуко ҳам гапида туриб олди: «Азаматга турмушга чиқмасам, дунёдан тоқ ўтаман!»

Шундай қилиб, бир куни Азамат Нацукони етаклаб кириб келди.

Сайёра опани кўрган заҳоти Нацуко шарқона таъзим бажо қилди.

— Айланиб кетай, таъзим қилишлари худди ўзимизга ўхшайди-а! — деганини билмай қолди она.

Сайёра опанинг кўнглидаги гашлик бир зумда тарқаб, Нацукони меҳр билан бағрига босди. Бу розилик аломати эди.

Япон келинни кўргани кўни-кўшинлар чикди, қариндош-уруғлар йиғилди. Барча Азамат ва Нацуконинг бир-бирига меҳрибонлигини, айнакча, бўлажак келиннинг шарқона илтифотини кўриб хайратга тушди.

Хуллас, шу йилнинг 11 октябр кўни икки ёш Бухорийи шарифда никоҳдан ўтди.

Тўйда келиннинг ота-онаси, қариндошлари, дугоналари, куёвнинг ёру биродарларига қўшилиб гоҳ японча, гоҳ ўзбекча рақсга тушди, япончаю ўзбекча куй-қўшиқлар, табриклар янгради. Ўзбек ўғлони мухаббат ришталарини олис Кунчиқар мамлакатнинг гўзал бир қизи билан умрбод боғлади.

Бугун Сайёра опа хурсанд: — Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз шарофатидан, ўргилай! — дейди у. — Мустақил бўлмаганимизда ўғлим Туркияда ўқирмиди, Японияга барармиди! Уйимга Нацукодай чиройли япон қизи келин бўлиб келармиди! Шу кунларга етказганига шукур.

Илхом САФАР, Ўза муҳбири

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш бўйича

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

2004 йил 10 октябрда ўтказилган танлов савдолари натижасига кўра, қуйидаги паст рентабелли корхоналар ва паст ликвидли давлат активлари (акция пакети) инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини маълум қилади:

1. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилган давлат корхоналари РЎЙ ХАТИ

№	Корхона номи	Манзили	Инвесторнинг таклифлари		
			«Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик)»	Инвестиция мажбуриятлари ҳажми (млн.сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	2	3	4	5	6
1	«Ўзбектранс-курулиш» давлат уюшмаси таркибидан «Тошкент тажриба таъмирлаш механика заводи» (ОРМЗ)	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олин водий кўчаси, 2«А»-уй	Фаолият турини сақлаб қолиш	1 288,7	2
2	22-иқтисодий таъмирлаш механизациялашган кўчма колонна (СПМК-22)	Яққасарой тумани, Муқимий кўчаси, 3-уй	Фаолият турини сақлаб қолиш	556,0	1

2. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилган давлат активлари РЎЙ ХАТИ

№	Корхона номи	Манзили	Илзом жамғармасидаги давлат активи, %		Инвесторнинг таклифлари		
			Ҳажми	Шу жумладан давлат улushi	«Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик)»	Инвестиция мажбуриятлари ҳажми (млн.сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	2	3	4	5	6	7	8
1	«Маданий таъминот» ОАЖ	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Проектная кўчаси, 1«А»-уй	90	25	Фаолият турини сақлаб қолиш	180,0	1

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 133-22-98; 133-39-57.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

- Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи – 750 000 000 сўм.
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 939 110 сўм.
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 540 396 сўм.
- Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Кирки тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи – 48 648 225 сўм.
- Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи – 5 775 000 сўм.
- Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони, ғарбий томонида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки). Бошланғич нархи – 5 841 600 сўм.
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор-6/7 манзилида жойлашган, майдони 47 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 316 603 сўм.
- Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани Сайқалий кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 44 кв.метрга тенг бўлган бино. Бошланғич нархи — 586 870 сўм.
- «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар: — станок СМЖ-357. Бошланғич нархи – 1 400 221 сўм; — 1Г 340 П револьверли токарлик дастхоти. Бошланғич нархи – 5 338 396 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Хар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кўнида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ-РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНБОЙ ҒАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ 2004 йил 25 декабрдан 2005 йил 9 январгача Болалар, Сизлар учун! Қишки таътил кўнларига Қорбобо, Қорқиз ва эртақларнинг бошқа қаҳрамонлари иштирокига



«ЦИРҚДА АРЧА»

томошалари

Томошалар: соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 ва 18.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади. Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда.

Ҳақ турли шаклда тўланади. Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.



Спорт

ШАХМАТЧИЛА-РИМИЗ МАҲОРАТ КЎРСАТИШМОҚДА

Илгари хабар берганимиздек, Испанияда эркаклар ва аёллар ўртасида XXXVI Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси бошланди.

Шуни айтиш керакки, спорт турлари орасида фақат ақл гимнастикаси ҳисобланмиш шахмат бўйича олимпиадалар алоҳида ўтказилади ва улар ҳар икки йилда бир марта ташкил этилади.

Испанияда ўтаётган турнир нуфузини эркаклар ўртасида 129 мамлакат, аёллар баҳсида эса 87 давлат шахмат усталари беллашаётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди. Турнир швейцарча усулда ўтказилиб, 14 тур давом этади.

Хозирги кунга қадар шахмат Олимпиадасида терма жамоалар тўрттадан учрашув ўтказишди ва дастлабки натижаларни сарҳисоб қилиш учун имкон пайдо бўлди. Чунончи халқаро гроссмейстерлар Рустам Қосимжонов, Сайдали Йўлдошев, Алексей Барсов, Темур Гореев (Рустам Қосимжонов бетоблиги сабабли иккита тур учрашувларини ўтказиб юборди), халқаро тоифадаги спорт усталари Владимир Егин ва Антон Филлиповлардан ташкил топган терма жамоамиз олимпиаданинг дастлабки учрашувларини муваффақиятли бошлашди.

Шахматчиларимиз Гондурасни 3,5:1,5, Марокашни 3,5:1,5, Белорус вакилларини 2,5:1,5 ҳисобида енгиб, фақат арманистонлик спортчилардан 1:3 ҳисобида мағлубият аламини тотишди.

Халқаро тоифадаги спорт усталари Ольга Собирова, Анжелла Хегай, ФИДЕ устаси Юлдуз Ҳамроқулова ва спорт устаси Ирода Ҳамроқуловалар донна сураётган аёллар терма жамоамиз ҳам тўрт тур давомида яхши натижаларга эришишди. Аёлларимиз дастлабки турда Фижи термасини 3:0 ҳисобида чиройли тарзда енгилган бўлса, иккинчи ўйинда қозогистонликларга шу ҳисобда ютқазиб қўйишди. Кейинги турда Ирландия термаси устидан яна 3:0 ҳисобида галаба қозонишди. Тўртинчи турда эса Греция термаси билан бахс 1,5:1,5 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланди.

Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси 30 октябрга қадар давом этади.

(Ўз мухбиримиз)

Муҳожаза

ОЗ СЎЗЛАГИНУ СОЗ СЎЗЛА

Мамлакатимизда байрамлар кўп. Улар орасида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кунни алоҳида байрам сифатида нишонлаб келяпмиз.

Ушбу байрамнинг кўтаринки руҳда ўтиши учун ҳамма жойда қизгин хозирлик кўришмоқда. Айни пайтда мен ҳам тилимизнинг гўзаллигини, нуфузини ошириш борасида ўз мулоҳазаларимни билдиришни лозим топдим.

Сўзлашиш маданияти инсон ҳаёти, фаолиятига муҳим аҳамият касб этади. Киши шахсининг ривожланиши ва унинг илмий-маънавий салоҳиятини оширишда муомала маданияти муҳимдир. Тарихдан маълумки, сўзлаш маданияти юксалган пайтлар бўлган. Сўз, нутқ орқали қанча-қанча муаммолар силлиқ ҳал қилинган.

Урушлар тўхтатилган, одамларни жипс-лаштишга, аҳилликка даъват қилинган.

Мир Алишер Навоий ўз даврида халқни ўз нутқи, панд-насихатлари билан тинчлантириб, қўзғолонларнинг олдини олган. Қанча-қанча элчилар давлатлар орасидаги муносабатни сўз, нутқ, муомала билан яхшилашга муваффақ бўлганлар. Дарҳақиқат, гўзал сўзлай билиш, айтилмоқчи бўлган фикрни одамлар қалбига аниқ ва тўлиқ қилиб етказиш бу санъатдир. Қани энди, ҳамма лутф билан бир-бирига муомала қила билса, кўнгилларнинг равшан тортишига эришилса... Ин-

сон қалби дунёдаги жамики нозикликни ҳис ва идрок этса... Одамлар орасида юрсанг гоҳо дилинг равшан бўлади, қайсики «марҳамат», «илтимос», «кечирасиз», «соғ бўлинг» деган сўзларни эшитиб, хурсандликдан энтикиб кетасиз. Хай-ҳай, ёмон, кўпол сўз, гап қулоққа чалинса-чи, ўзингизни қўярга жой тополмайсиз... Нега шундай? Ахир ҳар икки сўз — яхшиси ҳам, ёмони ҳам бир оғиздан чиқади-ку, нега яхшиси қолиб ёмонини айтадилар-а? Ўзбек тили бой тил, уни янада бойитиш барчамизга боғлиқ. Сўзини олдин дилда пиштириб сўнг тилга чиқариш қийин эмас-ку! Ўсиб келаётган ёш авлоднинг фақат яхши сўзлар эшитиб камол топишларини истардим.

Малика РАҲМОНБЕКОВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндори.

Жумладан кейинги йилларда Муҳимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрида сахналаштирилган улуг алломаларимиз ҳаёти ва ижоди, уларнинг биз билмаган кирралари билан танишиш мақсадида янги асарлар сахналаштирилмоқда. Кунни кеча ушбу театр сахнасида Фафур Фулом асари асосида сахналаштирилган «Ҳасан Кайфий» номли икки пардали мусикали юмористик комедия спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди. Асарни сахналаштирувчи режиссёр Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

Премьерадан сўнг

АҚЛГА СУЯНГАН — КАМ БЎЛМАЙДИ

Пойтахтимиз театрларида ҳозирда яратилаётган ранг-баранг мавзудаги сахна асарлари ўзига хос мазмун, тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан диққатга сазовор бўлмоқда.




артист Рустам Маъдиев, дирижёр Эргаш Тошматов, режиссёр ва сахналаштирувчи балетмейстер Ш.Аҳмедов. Спектаклдаги бош ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Равшан Солиҳов — Ҳасан Кайфий, Турғун Бекназаров — Мусофир ва бошқалар, шунингдек театрининг хор ва балет артистлари маҳорат билан ижро этишган.

Томошада ўтмишда яшаган меҳнатқаш, тўғрисўз ва ҳалол Ҳасан Кайфий деган камбағал бир кимсанинг ҳаёти, бойлик, молу дунёга қизиқмаслиги, фа-

қатгина ўз ақли ва меҳнатига таяниб иш кўрадиган одам эканлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Спектакль сўнггида Ҳасан Кайфий инсон учун ҳаётда молу давлат эмас, ақл, меҳнат, фахму фаросат бебаҳо ҳазина эканлигини исбот қилади.

— Ушбу асарни сахналаштиришдан мақсад аввало улуг шоиримиз Фафур Фуломни ёд этиш, унинг ижоди билан ёшларни яқиндан таништириш,— дейди спектаклни сахналаштирувчи режиссёр Рустам Маъдиев.— Ҳар бир асар у тарихий бўладими, зар-



монавийми, бугунги кун билан ҳамнафас бўлиши керак, айланта. Мазкур спектакль ишқамас, боқиманда кимсалар учун сабоқ бўлади, деб ўйлайман. Асарнинг гоёси шундаки — ақл ва меҳнатга суюнган одам кам бўлмайди. Меҳнат одамини улуглайди, ақл уни тўғри йўлга бошлайди. Асарнинг мазмуни, моҳияти ҳам ана шунда.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Ҳасан Кайфий» спектаклидан сахналар.

Райимберди Исломов олган суратлар.

2004 йил 19 октябрдан 21 октябрга қадар Тошкентда компьютер билимлари кунлари бўлиб ўтади. Бу кунлар давомида Тошкент Давлат техника университети талабалари замонавий ахборот технологиялари уларга ўқишда қандай ёрдам бериши мумкинлигини билиб олишади.

КОМПЬЮТЕР БИЛИМЛАРИ КУНЛАРИ

Тадбирни Ўзбекистон ахборот технологиялари бозори пешқадами TS-Technology компанияси ва Intel халқаро корпорацияси KAPITAL-BANK иштирокида ташкил этди.

Мазкур тадбир сўнгги йилларда Intel корпорацияси МДҲнинг турли шаҳарларида корпоратив академик дастур доирасида амалга ошираётган маърифий ташаббуслар туркумини давом эттиради.

Маърифий тадбирдан кўзланган мақсад олий мактабда мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларида ишлаш учун тайёрланаётган бўлғуси мутахассислар компьютер саводхонлиги даражасини ошириш ва замонавий ахборот технологиялари ҳақидаги билимларини кўпайтиришдир. Уч кун мобайнида 3 минг талаба илғор компьютер технологиялари, TS-Technology ва Intel нинг энг сўнгги янгиликлари билан танишади, уларни ўқиш жараёнида қўллаш афзалликларини баҳолай олишади.

Тадбир давомида ТДТУ талаба ва ўқитувчилари учун кўргазма ва семинар ўтказилади. Унга республиканинг бошқа олий ўқув юртлири ректор ва ўқитувчилари тақлиф этилади. Кўргазмада TS-Technology компанияси Intel Pentium 4 530 процессорлари ва ўқитиш соҳасидаги Hyper-Training технологиясига асос-

ланган энг замонавий компьютерлардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда Intel Centrino илғор технологиясига асосланган ноутбукларни намойиш этади. Кўргазманинг ҳар бир иштирокчиси математик моделлаштириш учун кучли дастурлар билан мустақил ишлаб, таълимда мультимедиа, 3-D графика ҳамда мобил мосламаларни қўллашнинг имкониятларини баҳолай олади. Катнашчиларда Интернетга симсиз улашиш ҳудуди катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Бу ерда ҳар ким янги технологиялар ёрдамида зарур ахборотни топа олади. Университет биносидан Интернетга симсиз улашиш нуқталари ўрнатилди.

KAPITAL-BANK маърифий ташаббуслар дастурини давом эттириб, бу тадбир арафасида талабаларни кредитлаш бўйича янги лойиҳани ишлаб чиқди. Талабалар TS-Technology тақлиф этаётган компьютер техникасини кредитга сотиб олиб, билимларни эгаллашда унинг имкониятларидан фойдаланиши мумкин.

Компьютер билимлари кунлари ниҳоясида TS-Technology компанияси Intel корпорацияси билан биргаликда 500 киши иштирок этадиган якунловчи семинар ўтказилади.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

ЖАМҒАРМАНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСБОТИ

Тошкентда Қоҳира концепциясининг ўн йиллиги, репродуктив саломатликни асраш ҳамда қашшоқликни бартараф этиш дастури доирасида БМТ Аҳолишунослик жамғарманиннг йиллик ҳисоботи тақдимоти ўтказилди.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси мамлакатимизда 1993 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу давр мобайнида аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширди. Жамғарма мунтазам йиллик ҳисобот йиғилишларини ташкил этмоқда. Айтиш жоизки, ҳар бири йиғилиш мавзуси бугунги кун талаби асосида танлаб олинади. Мазкур тадбир ҳам Ўзбекистонда репродуктив саломатликни асраш, аҳоли саломатлигини яхшилашга бағишланди.

Тадбирда асосан она ва бола саломатлигини асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда миграция ва урбанизация каби масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, жамғарманиннг жорий йилда эришган ютуқлари ва мавжуд камчиликлар хусусида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА, «Туркистон-пресс».



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ, объект уезида босилади; 2680 нускада босилади. Қотғи бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ақшордорлик компанияси бошқармасида. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.